

af

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2016 йил 14 июнь • сешанба № 23 (1019)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz

Шарль Перро ҳикматлари
(1628-1703)



Алдоқчини алдаш ўйиннинг
ҳақиқий қондасидир.

Давомий бахт бизни жасур
айлайди.

Ўта қизиқувчанлик баъзан бошингга етиши мумкин.

Чиройли суҳан дуру гавҳардан қиммат.

Юсак нотикликка ҳеч нарса қаршилиқ қила олмайд.

Икки киши буйруқ берадиган оилада бахтга жой йўқ.

✓ Ёз — ўтмоқда соз

Беғубор болалик дамлар қувончу шодликка тўлсин

МАМЛАКАТИМИЗДА 88 авлодди ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол воёга етказиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу ишлар ўнал-қизларнинг ёзи таътил даврида соғломлаштириш жараҳиди ҳам ўз ифодасини топтоқда. Ушбу ишларни тизимли йўлга қўйишда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 мартдаги «Болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим дастурийлашма бўлмоқда.



Мамлакатимиздаги барча оромгоҳлар зарур мебель ва жиҳозлар, техник ускуналар, тегишли қўланма ва воситалар, бадий адабиётлар, даврий нашрлар билан таъминланган. Оромгоҳларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, уларни малакали педагог ва етакчилар билан таъминлашга оид ишлар амалга оширилди. Мазкур йўналишда педагог кадрларга бўлган эътибор аниқлашиб, мавсум давомида энг муносиб педагог, етакчилар ва тўғра раҳбарларни, чет тиллари мутахассислари ва олий ўқув юртлири талабалари, шунингдек, жисмоний тарбия бўйича мутахассислар, сузиш мураббийлари жалб этилган.

Таъкидлаш жоизки, жорий йилда республика бўйича 1064 та (213 та стационар, 851 та кундузги) оромгоҳлар ташкил этилиб, уларга 300 мингга яқин болалар қамраб олиниши режалаштирилган.

Шу боис бу йилги дам олиш мавсумида Халқ таълими вазирлиги ўқувчиларнинг ёзи таътил кунларини мазмунли ташкил этиш мақсадида Концепция ишлаб чиқди. Концепциянинг асосий мақсади ўқувчиларнинг мазмунли дам олишларини ташкил этиш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуси, соғлом турмуш тарзи, китобхонликни кенг тарғиб қилишдан иборат.

Бундан ташқари, халқ таълими тизимидagi умумтаълим мактаблари, болалар ўсмирлар спорт мактаблари, «Баркамол ав-

лод» болалар марказлари, болалар мусика ва санъат мактаблари ва ахборот-ресурс марказлари ёзи мавсумида болалар учун фаолият курсатди. Шунингдек, таълим муассасаларида жорий йилнинг 15 июнидан 15 августга қадар ҳафтанинг душанба-жума кунлари ўқувчиларнинг ёзи ва қизиқшидан келиб чиққан ҳолда маданий-маърифий ва спорт тадбирлари бўлиб ўтди.

Энг муҳими, масъул ташкилотлар ҳамкорлигида оромгоҳларга иқодиый жамоалар, хусусан, ёзувчи ва шоирлар, рассомларни жалб этиш, болалар учун маданий-тарбиявий тадбирлар, турли акциялар, спорт мусобақалари ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқилган. Қолаверса, Ички ишлар ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар томонидан оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, алоқа, транспорт хизмати ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда вазиятлар бўйича профилактик тадбирлар ўтказишга доир режа ишлаб чиқилиб, ижроси қатъий назоратга олинади.

Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизнинг ёзи таътил давомида мириқиб дам олиб, кўнгилли ҳордиқ чиқаришлари, болаларнинг бахтли дамларини тўла ҳис этиб, чексиз меҳр-муҳаббат туйғуси билан ўсиб-ўлғайишлари учун барча шaroитлар муҳайё этилган.

Гулсумхон ШОДИЕВА,
«Инсон ва қонун» муҳбири

✓ Мустақиллик моҳияти

Қанотинг мустақкам бўлсин, Ватаним!

- Жорий йилда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Аляскага биринчи чартер дастурини амалга оширди.
- Ўзбекистон миллий авиаташувчисининг Боинг-757 авиалайнерида, ушбу дастурга мувофиқ 540 нафар япониялик сайёҳ АҚШнинг Аляска штатида жойлашган Фербенкс шаҳрига етказилди.
- Парвозлар Япониянинг Осака, Токио ва Нагоя каби учта шаҳрдан амалга оширилди. Тошкент — Осака — Токио — Нагоя — Фербенкс — Тошкент йўналиши бўйича бундай мураккаб рейс биринчи марта амалга оширилди.



БУГУН, нафақат минтақавий, балки жаҳон авиаташувчилар бозорига етакчилар қаторидан ўрин олган Ўзбекистон фуқаро авиацияси мамлакатимиз фахрига айланди. Сўнгги беш йилликда авиакомпания бир қатор катта лойиҳаларни амалга оширди. Уртамагистрал масофага қатновчи Airbus 320, янги йўловчи ва юк ташувчи Boeing-767 самолётлари эксплуатацияга бошланди. МАК Тренажер мажмуасида ҳаво кемаларининг замонавий тренажер ва Full-flight симуляторлари ўрнатилди. «Навоий» аэропортида янги юк ва йўловчи терминаллари, Бухоро ва Урганчда замонавий аэровокзаллар, «Тошкент-3» янги маҳалли йўналишлар аэровокзали ва «Тошкент» аэропортида учиб кетувчи йўловчилар учун янги блок ҳамда Business

Lounge «Uzbekistan airways» янги зали ишга туширилди. Сингапур, Волгоград, Воронеж, Калининград, Минскга янги қатновлар йўлга қўйилди. Республиканинг барча аэропортида реконструкциядан чиқарилиб, модернизация қилинди, ишончли ва тақомиллашган текширув техникаси билан таъминланди. Ҳозирда барча аэропортлар халқаро мақомага эга.

Ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимида Ўзбекистон ҳаво кенгликларида фойдаланувчилар қўламини кенгайтириш ва парвозлар хавфсизлигини янада ошириш имконини берувчи RVSM (вертикал эшелонлашнинг қисқартирилган минимуми) ва QNH (бутуножаҳон парвоз баланглигини ҳисоблаш) янги тизимлари жорий этилди. Авиация хавфсизлиги Европа агентлиги — EASA, мил-

лий авиакомпаниянинг хавфсиз авиаташувчи сифатидаги мақомини тасдиқлади. МАК IOSA аудитидан муваффақиятли ўтиб, қатор хоржий аэропортлар томонидан «Энг пухта авиакомпания», деб тан олинди. «Бухоро», «Самарқанд» ва «Урганч» ҳаво мас-катакларни Фуқаро авиацияси «Аэропорт» ассоциациясининг МДХ давлатлари орасида «Йилнинг энг яхши аэропорти» нуфузли кўрик-танловидан бир неча бор ғолибликни қўлга киритишди.

Янги авиация техникаси — бу Ўзбекистон авиакомпанияси парвозлари хавфсизлиги ва мунтазамлигини таъминлашда асосий мезонлардан биридир. Осиев ва Европа, Америка ва Япониянинг 40 дан зиёд шаҳарларга парвозларни амалга оширадиган МАК ҳаво кема-

ларига техник хизмат кўрсатиш ва яроқчилигини таъминлаш авиакомпания фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ҳозирда авиакомпания ва хоржий компаниялари самолётларини таъмирлаш, уларга барча турдаги техник хизмат кўрсатиш базаси ҳамда малакали мутахассисларга эга «Uzbekistan Airways Technics» авиакорхонасида самолётларнинг компози материалларини таъмирлаш Маркази очилди.

Миллий авиаташувчи жорий йилнинг сентябрь-ноябрь ойларида олиб келиниши кутулаётган иккита Boeing-787 Dreamliner самолёти эксплуатациясига ҳозирлик кўрмоқда. Энг замонавий, узоқ масофага учувчи Boeing-787 лайнери инновацион технологиялар асосида яратилган ва қўри иқтисодий самарадорликка

эга. Самолётнинг йўловчилар саломи дизайнига мутлақ янгина ёндашув экипаж аъзолари ва йўловчиларга узоқ парвоз давомида барча қулайликларни яратди. Ушбу ҳаво лайнери узоқ ва ўта узоқ халқаро йўналишларда эксплуатация қилинади.

Авиакомпаниянинг олдинги иттилоци ва истиқболи унинг улкан режаларида намоён бўлмоқда. Ҳозирда Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан яна бир қўшма лойиҳа — Марказий Осиёда энг замонавий бўлиши кутулаётган «Тошкент-4» янги йўловчилар терминалининг қурилиши устида иш олиб борилмоқда.

«Инсон ва қонун» муҳбири
Дилфуза ЭРҒАШЕВА
тайёрлади.

Тизим тадбирлари

Нотариат соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

БУХОРО ШАҲРИДА Адлия вазирлигининг Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси ташаббуси билан Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик Германия фонди билан биргаликда «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикасида нотариуслар фаолияти» мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси ходимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари вакиллари ва 60 дан ортиқ нотариуслар ҳамда Халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик Германия фондининг Берлин офиси раҳбари А.Шмайнк, фондининг лойиҳалар менежери, адвокат В.Бёрнер, Германия нотариуслар федерал палатаси вице-президенти, нотариус Р.Бок, Германия нотариуслар федерал палатаси халқаро алоқалар

гурухи аъзоси, нотариус Д.Кёниг иштирок этиди.

Семинарни ташкил этишдан кўзланган мақсад халқаро тажриба алмашиш, икки давлат нотариуслари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, «Нотариат тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган нотариал ҳаракаتلари амалга оширишда ўзаро фикр алмашиш ҳамда нотариал фаолиятни такомиллаштиришга қаратилган тақриблиқ ишларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Хусусан, семинарда битимларни нотариал тасдиқлаш тартиби: қўчмас мулк, автотransпорт воситаларини рас-

мийлаштириш, Германияда нотариус лавозими ҳамда унга тайинлаш тартиби, нотариус ваколатлари ва мажбуриятлари, статистик ҳисобдорлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек, нотариат соҳасида ахборот-коммуникация технологияларининг тутган ўрни, нотариал фаолият устидан назоратни амалга ошириш ва бошқа шу каби долзарб масалалар юзасидан савол-жавоблар асосида суҳбат қурилди ва тажриба алмашилди. Бунда, Адлия вазирлиги томонидан жорий этилаётган «Нотариус» ахборот тизими, ундан кўзланган асосий мақсадлар ҳамда ушбу тизимнинг қулайликлари юзасидан тушунтиришлар бериб ўтилди.

Семинар баҳо-мунозараларга бой тарзда ўтиб, иштирокчилар ўзаро фикр алмашиш ҳамда икки давлат ҳуқуқ тизимларининг афзалликлари, ўхшашлик ва фарқли жиҳатлари, миллий хусуси-

ятлари бўйича зарур маълумотларни олдилар.

Семинар давомида иштирокчилар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жойида кўриш мақсадида Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган давлат нотариал идораларидан бирига таширф буюришди. Таширф давомида меҳмонларга нотариат соҳасида амалга оширилган ишлар, шу жумладан, фуқаролар учун яратилган қулайликлар, нотариус ходимларининг иш фаолияти ҳамда уларнинг ижтимоий ҳимояси, нотариал фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида тегишли тушунтиришлар берилди.

Семинар якунида ташкилотчилар келгусида ҳам худди шундай тадбирларни ташкил қилиш борасида келишим олди.

Адлия вазирлиги
Ахборот хизмати

Бюджет даромадлари

газна ижроси механизми билан қамраб олинади

ХОРАЗМ ВИЛОЯТ адлия бошқармаси ва унинг қўйи тизимлари, шунингдек, вилоят суд ижро бўлимлари, Газаначилик ва Давлат солиқ бошқармалари ҳамда Марказий банкнинг ҳудудий бош бошқармаси маъсул ходимлари иштирокида «Давлат божини ундирадиган давлат органлари ва ташкилотлари томонидан давлат бож тушумларини ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги низомнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш юзасидан семинар машғулотни ўтказилди.

Семинарда 2016 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари даромадларини газна ижроси механизми билан тўлиқ қамраб олиниши ва янги ҳисоб тизими жорий қилинаётгани хусусида батафсил маълумотлар берилди.

Хусусан, Адлия вазирлиги Бош ҳисобчиси Тўраҳон Бекбўтаев тизимда бюджет даромадларининг ҳисоб-китобини юритишда юзага келган муаммолар ва уларни бартараф қилишда янги ҳисоб тизимининг роли тўғрисида сўз юритди ва бу борада соҳада фаолият юритаётган ходимларга зарур кўрсатмалар берилди.

Илҳом МАТЬЯКУБОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Истиқлол нури

Фарзанд — бугунимиз қувончи, эртамик таянчи!

Келажак тақдири

бирзум бўлса-да, эътибордан четда қолган эмас

МЕХНАТ инсонни улуғлаши борасида донишманд халқимиздан турли-туман ҳикматлар минг йиллар оша бизгача етиб келган. Бу эса она-дидиримизда меҳнат муносабатлари қадимдан алоҳида аҳамият касб этиб келганлигига ёрқин далилдир. Истиқлол йилларида эса республикамизда тарихан чуқур илдизга эга бўлган меҳнат муносабатларини янада оқиллик, одиллик билан қўлига тартибга солишга, аввалги даврларда йўл қўйилган камчиликларга чек қўйишга имкон яратилди. Айниқса, меҳнат муносабатларини тартибга солиш соҳасида амалга оширилган салмоқли ислохотларда болалар меҳнати масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Бундай оқилона сиёсатни халқнинг нафақат бугунги бахтиёр ҳаёти, балки порлоқ келажаги учун қўйиладиган мустақкам пойдевор, десак, асло муволажа бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, дунё мамлакатларида инсон меҳнатига муносабат ҳамма даврларда ҳам бирдек адолатли бўлмаган. Айниқса, кейинги даврда “болалар меҳнати” масаласининг кун тартибидан алоҳида жой олганлиги ҳар бир хур фикрли инсонни сергаликка чорлайди. “Болалар меҳнати” янги пайдо бўлган тушунча эмас, албатта. Бироқ XX асрнинг сўнгги чоралиги келибгина ушбу масалага жаҳон ҳамжамиятида алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижаси ўларок, бутун дунёда ўн миллионлаб болалар оғир меҳнат шартларида ишлайётганлиги тўғрисидаги статистик маълумотлар аниқланди. Шу муносабат билан болалар меҳнати билан болалар меҳнати билан энг ёмон шаклларига барҳам бериш, болаларни ўз оилалари эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қайта тикланиши ва жамиятга мослашишига қўмаклашиш халқро ҳамкорлик ва халқро ёрдамнинг устувор тамойилига айланган. 1999 йилнинг 17 июнида эса Халқро Меҳнат Ташкилоти томонидан “Болалар меҳнати”нинг энг ёмон шакллари тўғрисидаги 182-конвенция қабул қилинди. Дунё ҳамжамиятида 12 июнь бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш кунини сифатида эътибор этилди.

Болалар меҳнати оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шашиланган чоралар тўғрисидаги конвенция республикамизда 2008 йилда ратификация қилинган бўлса-да, ушбу масалага юртимизда истиқлолнинг илк даврадан бери эътибор қаратилганлиги қайд этиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Мустақиллик йилларида болалар манфаатлари ҳимояси, улар саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Жумладан, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилгандан сўнг бола ҳуқуқлари ҳамда болалар меҳнати масаласида республикамизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бутун бир тизими яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида болалар меҳнати оид устувор қоидалар белгиладик. Хусусан, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбини эркин танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилиши, уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зийн етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиغان энгил ишни ўқишдан бўш



Бола ҳуқуқлари

уни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари такомиллашмоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бола ҳуқуқларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, давлатимиз 1992 йил 9 декабрда БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенциясига аъзо бўлди.

олиятининг асосий вазифалари ва йўналишларини тартибга солишга қаратилган. Шунингдек, алоҳида эътибор талаб қилувчи воқеа етмаганлар ва нотинч оилалар билан яққа тартибдаги профилактика ишларини ташкил этиш, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига ва воқеа етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш, ижтимоий хавфли ҳолатдаги воқеа етмаганларнинг ҳуқуқий мақоми, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик реабилитация қилиш масалаларини ҳал этишга алоҳида эътибор берилган. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 21 декабрдаги “Воқеа етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида болалар меҳнати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонунда эса ёшлар ўртасида жиноatchилик билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, уларнинг ғайриижтимоий ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган. Шунингдек, унда воқеа етмаганларнинг туғни вақтда ота-оналаридан бирининг ёши уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз ресторан, кафе, бар ва клубларга, дискотека, кинотеатр, интернет ва компьютер залларига, кўнгилочар тадбирлар ўтказиладиган бошқа жойларга киритилган учун мансабдор шахсларга маъмурий жавобгарлик жорий этилиши кўзда тутилган.

вақтида бажариши учун ота-онасидан бирининг ёши ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёшга розилиги билан ўн беш ёшга тўлгандан кейин ишга қабул қилишга йўл қўйилиши, шунингдек, давлат томонидан ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориш учун зарур шароитлар яратиб бериш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни кўриш орқали болани меҳнат қилиш ҳуқуқ ташминланганининг кафолатланганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Ҳозирда мамлакатимизда сўз ва иш бirlиги намунаси ўларок болалар меҳнати тартибга солиш, уларни муҳофаза қилиш соҳасида бутун бир меҳанизм ишла турибди. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенцияни ҳамда болалар меҳнати оид устувор қоидалар белгиладик. Хусусан, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбини эркин танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилиши, уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зийн етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиغان энгил ишни ўқишдан бўш

лаштирилиб келинмоқда, 18 ёшга етмаган шахсларга нисбатан меҳнат қонунчилигини бузганлик учун ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, ота-оналарнинг жавобгарлиги янада кучайтирилмоқда. Бундан ташқари, болалар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўймаслик, шунингдек, унинг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилиш масалалари воқеа етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар мажлисларида кўриб чиқилиб тегишли чоралар қўлланялмоқда. Республикаимизда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва болалар меҳнати оид устувор қоидалар белгиладик. Хусусан, ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлигининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбини эркин танлаш, адолатли меҳнат шартларида ишлаш ҳуқуқига эгаллиги, ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилиши, уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зийн етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиغان энгил ишни ўқишдан бўш

лалари бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ҳам самарали фаолият олиб бормоқда. Бу борада амалга оширилётган тизимли ишлар натижасида эришилган ютуқ ва муваффақиятларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, БМТнинг Болалар фонди, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқро меҳнат ташкилотларининг мазмун-моҳияти очиб берилди. Унда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат сиёсати асослари, давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вақолатлари мустақкамлаб қўйилди. Қолаверса, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида оналик ва болаликни ижтимоий ва маънавий муҳофаза-си билан боғлиқ бўлган Давлат дастурлари қабул қилинди. Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори эса болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоиз, бола ҳуқуқларига оид қонунчилик доимий равишда такомиллаштирилиб, сўнгги йилларда бу борада бир қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 2010 йил 29 сентябрдаги “Воқеа етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ушбу масалалар билан шуғулланувчи тизим органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фа-

Конституцияимизнинг 64 ва 65-моддалари ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларида, жумладан, 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, 2008 йил 7 январда имзоланган “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида бола ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан таъминланяши белгиланган. Мазкур “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларида бола ҳуқуқ ва манфаатлари давлат томонидан таъминланяши мазмун-моҳияти очиб берилди. Унда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича давлат сиёсати асослари, давлат органлари ҳамда жамоат бирлашмалари вақолатлари мустақкамлаб қўйилди. Қолаверса, бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Шунингдек, бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида оналик ва болаликни ижтимоий ва маънавий муҳофаза-си билан боғлиқ бўлган Давлат дастурлари қабул қилинди. Президентимизнинг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустақкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори эса болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоиз, бола ҳуқуқларига оид қонунчилик доимий равишда такомиллаштирилиб, сўнгги йилларда бу борада бир қатор янги қонун ҳужжатлари қабул қилинди, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, 2010 йил 29 сентябрдаги “Воқеа етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ушбу масалалар билан шуғулланувчи тизим органлари ва муассасаларини аниқ белгилаш, улар фа-

Аҳмад ИСМАИЛОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори ўринбосари

Одилжон СУЛАЙМАНОВ, Юристар малакасини ошириш маркази доценти в.б., юридик фанлар номзоди

Давра суҳбати ўтказилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш марказида Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази билан ҳамкорликда “Мустақиллик йилларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб вазифалари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ вакиллари, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизими ташкилотларининг юридик хизматлари ходимлари ҳамда Юристар малакасини ошириш маркази профессор-ўқитувчилари иштирок этишди.

Мамлакатимизда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончи ҳимоя қилишни таъминлаш, уларга кўпроқ эркинлик бериш, фаолиятидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли чора-тадбирлар юксак самара бермоқда. Тадбирда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил ахборот берилди.

Ўтқир **ЖАЛОЛОВ**, Юристар малакасини оширишмаркази бўлим бошлиғи

Шу сонга хабар

Солиқ идораси ва суд ижро департаменти ҳамжиҳатлиги

ТОШКЕНТ шаҳар давлат солиқ бошқармаси ва Суд ижрочиликлари департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга тўловларини ўз вақтида амалга оширмаган ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари ҳамда жисмоний шахсларнинг масъулиятини янада оширишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макрориктсодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан бюджет даромадлари ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларга тушумлар бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Шунингдек, йиғилишда Солиқ кодексига киритилган ўзгаришлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Жумладан, Солиқ кодексининг эски тахрирдаги 114-моддасида кўриб қилинган товарларни сақлаганлик учун кирим қилинмаган товар қиймати миқдорига жарима қўлланган бўлса, киритилган ўзгаришлар натижасида жарима миқдори камайитрилиб, кирим қилинмаган товар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима солиниши белгилаб қўйилди.

— Бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалардан солиқ қарзи мавжуд бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини янада ошириш орқали муддатда тўланмаган тўловлар миқдорини қисқартириш мақсадида, қарздорларнинг манзилига чиққан ҳолда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда, — деди Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Музаффар Пардаев.

Мадина **ҲАМДАМОВА**, “Инсон ва қонун” муҳбири

ФАРЗАНД — ҳаётдаги орзу-истакларимиз, умидимиз, илинжимиз. Ҳар бир инсоннинг орзуси ўзидан соғлом авлод қолдириш, кўза нур, қалбга сурур улашувчи фарзандларни тарбиялаб, вояга етказишдир. Оталар фарзанди бахту кўболи, порлоқ келажаги учун умрини бахшида этади. Соғлом бола эса, аввало, соғлом ва ақил онлада дунёга келади, улғаяди, мурак қалбда илк тасавурлар шу ерда шаклланади.

✓ 2016 йил — “Соғлом она ва бола йили”

Оила бахт бешиги

Бунда баркамол ва руҳан тетик авлод улғаяди

XI асрда яшаб ўтган Шарқ мутафаккири Кайковуснинг “Кобуснома” асаида битилган ушбу фикрлар орадан неча асрлар ўтганига қарамай, ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Бола тарбиясига эътибор қаратганда муҳим руҳий ҳолатларга ҳам аҳамият қаратмоқлик зарур. Масалан, ота-она боласига ёлғон гапирмаслик тўғрисида ўргатса-ю ўзи бунга амал қилмаса, табиики боланинг руҳий оламида ўзгаришлар пайдо бўла бошлади. Унутмаслик керакки, ота-онанинг хатти-ҳаракатлари фарзандлар кўз ўнгига кечади.

Президентимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асаида таъкидланганидек: “**Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиса туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг харақатлари, табияти ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қараш-**



лар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша қабил муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.

Бу пойдеворнинг нечоғлик мустақамлиги эса онанинг ҳар жиҳатдан соғлом бўлишига боғлиқ. Соғлом она соғлом фарзандни дунёга келтиради.

Оиланинг, онанинг соғломлиги жамиятнинг соғломлиги қа-

фолатидир. Шу боисдан ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда фарзанд тарбиясига, хусусан, она ва бола саломатлигига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Бу борада амалга оширилган ишлар кўзни қувонтиради. Хусусан, ёш оналарга кўрсатилаётган ғамхўрлик, турли имтиёз ва енгилликлар, она ва бола саломатлигини мустақамлашга мўлжалланган замонавий тиббий муассасалар фаолияти бунинг яққол далили-

дир. Жумладан, Президентимиз томонидан 2016 йил 9 февралда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури тасдиқланганига, унда “Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустақам бўлади”, деган ҳаётбахш қадрият ва олижаноб гоияни жамиятимизда теран англаш ва қарор топтириш, оилани, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизimini такомиллаштириш, жамиятда оналарга алоҳида ҳурмат-эҳтиром муҳитини мустақамлаш, баркамол авлоднинг тарбиялаш, оила институтини мустақамлашда давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўзда тутилганлиги юқоридаги фикримизнинг исботидир.

“Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлаш, кучли, барқарор ва фаровон давлат негизи сифатида оила институтини мустақамлашга йўналтирилган қонунчилик ва меъриий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш Давлат дастурида белгиланган муҳим йўналишлардан биридир.

Аёллар бола тарбияси билан бирга, давлат ва жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Бу дунёда фарзанди соғлом, руҳан тетик улғаяётган онанинг кўзларида порлаб турган қувончдан кўра улғур нарса бўлмаса керак.

Феруза ХИДОЯТОВА, Шайхонтоҳур туман 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси

Эълон

Ўзбекистон Республикаси Ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилояти
Фаргона вилояти
Бешариқ туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикаси
Тўртқўл туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тахтақўпир туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах вилояти
Жиззах туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жиззах туман 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фориш туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қашқадарё вилояти
Қарши шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қамаши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Қарши туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Миришкор туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сурхондарё вилояти
Термиз шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Термиз шаҳар 7-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Денов туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Узун туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган вилояти
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган шаҳар 10-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Уйчи туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилояти
Сўх туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Богдод туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Хоразм вилояти
Урганч туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент вилояти
Куйичирик туман давлат нотариал идорасида 1 нафар

Талафот қилинган учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
1. Комиссия нусхаси;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўғридан турар шайхонтоҳур;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Олий қоридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Талафотнинг малака иттиҳонини топшириш билан тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўрича (малака иттиҳонини топшириш, лекин нотариус лавозимига ўтиш шартини ўтириш, малака иттиҳонини топшириш қайта топширишнинг тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўрича);
7. Олти иш жойидан берилган меҳнат фойлиги тўғрисидаги тасдиқнома.
Талафот қилинган бола ёки болақизнинг, олий қоридик маълумот, қоридик мутаассислик бўйича ҳамда ушбу мuddатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировани ўтаган, малака иттиҳонини топшириш Ўзбекистон Республикаси фуқароси шайхонтоҳур этилиши.
Ўзбекистон Республикаси Ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2016 йил 13 июль) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банк

яқинлашиб келаётган “Мустақиллик куни” байрами муносабати билан қўйидаги миллий валютадаги мuddатли янги омонат турини таклиф этади:

“МУСТАҚИЛЛИК – 25”
Ушбу омонатнинг сақланиш мuddати 7 ой бўлиб, омонатга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат мuddати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргалликда, “Асака” банк миллий валютада 28 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади.
Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.
Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефонлар	Филиаллар	Код	Телефонлар
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Кўхон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
■ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
■ маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
■ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
■ миқдори чекланмаган!

“Асака” банк — сармомиянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган.

Реклама

Эълонлар

Қашқадарё вилоят ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
(Хужжатларни тақдим этишнинг охири санаси 2016 йил 13 июль) Телефонлар: (0-371) 236-78-52, 233-44-48.

Ўзбекистон Республикасининг “Авokatура тўғрисида”ги Қонуни 15-мuddасига, биринчи қисмининг биринчи бабига ҳамда Фарғона вилоят ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Жиззах вилоят ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тошкент вилоят ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикасининг “Авokatура тўғрисида”ги Қонуни 16-мuddасига асосан “LAWYER-SHIMBA” адвокатлик бюроси адвокат Жолдосбаев Нигматйулжоннинг талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Навоий вилоят ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳар ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳар ақли вазиралиги қўйидаги нотариус лавозимларидаги талафот ўтказиши ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССАСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҚЛИ ВАЗИРАЛИГИ www.minjust.uz	2007 йил 3 январьда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот қўлимақор 0001-рақами билан рўйхата олинди	ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Усмонов Анвар Акрамович Очилов Адилжон Муҳаммадиев Маммадалиев Зайнабдин Очилович Эргашева Дилфуза Рустамовна	Навбатчи Ербек ИСКАНДАРОВА Саҳифаловчи- дизайнер Тўлқун РАУПОВ	Нашр индекси: 137 “ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида териштириш ва саҳифаланган, А-2 бичимида, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” наشريёт матбаа иқойиди уйда чоп этилади. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ушбу сонда ўза суратларини фойдаланилди.	МАНЗАЛИМИЗ: 100192, Тошкент ш. Буёқ Илосқ йўли кўчаси-1. Тел: 268-19-74, Факс: 268-19-31 Обуно бўлими: 268-19-97 Билан кўрсатиладиган нарсалар 1 2 3 4 5
---	---	---	--	--	---